

QIYINGIZDA - QIILA DAVTRASIDA QOILING!

MEN SIZ UCHUN
HILDA KOLDIM,
SIZ BIZ UCHUN UYILDA
KOLING!

I STAY AT
WORK FOR YOU,
YOU STAY AT HOME



№ 7 (405) 26-mart payshanba

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) қарорларига мувофиқ:

дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиақатновлар тўхтатилганлиги;

хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, (республикада доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларини (автобус, енгил автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шароитида карантинга олиш талаби белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча қўнғилочар объектлар, шу жумладан байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10-15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилганлиги;

давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, мак-

табдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилганлиги ва коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 2020 йил 24 март соат 00.01 дан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи **коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўйилган тартиб** (кейинги ўринларда – Тартиб) жорий этилсин:

коронавирус инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудига аниқланганлигини инобатга олиб ва ушбу инфекция республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) тўхтатилади, бундан ушбу банднинг учинчи хатбошисидан назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент шаҳрида меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органлари ва муассасалари (нодавлат ташкилотларида – иш берувчи томонидан тақдим этиладиган тегишли рухсатнома асосида) ходимлари ҳамда юк ташиш билан боғлиқ ҳолларда Тошкент шаҳрига кириш ва чиқишга рухсат берилади;

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чикувчи шахсларда **коронавирус инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўрнатилади;**

биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчалик босқичма-босқич Нукус шаҳри, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик деҳқон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиш жойларини тегишли мутахассислар билан таъминланган ҳолда **тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланади;**

республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг **мажбурий равишда дезинфекция қилиниши таъминланади;**

давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакилларини қабул қилиш ҳамда уларга давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкон қадар «онлайн» режимга ўтказилади;

фуқаролар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва телефон алоқаси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли **икки ой давомида ўчирилишига йўл қўйилмайди;**

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **ҳодимларни меҳнат таътилга чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб («онлайн» режимда ёки масофавий тарзда) ташкил этиш чоралари кўрилади.**

Ушбу банднинг бешинчи хатбошисидан назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Миллий гвардия ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда ушбу банднинг учинчи хатбошисидан белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

Тартибнинг амал қилиш даврида, заруратга кўра, қўшимча **йўл-патруль хизмати стационар постлари ва блок постлар ташкил этиш** чораларини кўрсин.

3. Тартибнинг амал қилиш даврида қўйидагилар ўрнатилсин:

а) **коронавирус инфекцияси аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар, шу жумладан 2020 йил январь-март ойларида коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган шахслар:**

Комиссия қарорларига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва эпидемияга қарши курашишга жалб этилган бошқа давлат ташкилотларининг қонуний талабларига риоя этишга;

Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, коронавирус инфекцияси қайд этилган ҳудудларда бўлган вақти ва жойи тўғрисида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;

ўзида касаллик аломатлари вужудга келганда касаллик юқиши мумкин бўлган даврда **мулоқотда бўлган шахслар ва ҳаракатланиш йўналишлари ҳақида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот беришга;**

14 кун давомида уйда ёки махсус белгиланган жойда **изоляция шароитида бўлишга;**

санитария ва эпидемияга қарши курашиш қоидалари ва изоляция режимида бўлишга оид **талабларга қатъий риоя этиш**, шу жумладан тиббий химоя воситаларини қўллаш ва жамиятда бир-бирлари орасида масофани сақлашга;

соғлиқни сақлаш органлари томонидан тайинланган **тиббий текширув** ва даволашдан ўтишга **мажбурдирлар;**

б) давлат санитария назорати органлари томонидан изоляция қилиниши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган шахслар билан **бирга яшовчи шахслар ҳам 14 кун давомида ёки давлат санитария назорати органлари томонидан белгилаб берилган муддат давомида уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шароитида бўлишга мажбурдирлар;**

в) **коронавирус инфекциясини юқтирган ёки ушбу инфекцияни юқтирганликда гумон қилиниб карантинга жойлаштирилган шахсларга тегишли бўлган мобил телефон, аудио ва видео воситалар, банк карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади;**

г) идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча **ташкилотлар раҳбарлари (иш берувчилар)** қўйидагиларга риоя этишлари шарт;

ташриф буюрувчи шахсларни фақат **тиббий ниқоб ва тиббий воситаларни қўллаган ҳолда кириштириш тартибини мажбурий жорий этиш;**

иш жойларида **ҳодимларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва тана ҳарорати юқори бўлган ҳодимларни иш жойида бўлишига йўл қўймаслик** ҳамда ушбу ҳодимлар тўғрисида соғлиқни сақлаш органларига зудлик билан хабар етказиш;

давлат санитария назорати органларининг талабномасига мувофиқ **коронавирус инфекциясини юқтирган ҳодим билан мулоқотда бўлганлар ҳақида дарҳол маълумот бериш**, касалланган шахс бўлган жойларни дезинфекциядан ўтказиш чораларини кўриш;

ҳодимларга изоляция режимида бўлишга оид талабларга риоя этишда қўмақлашни;

д) савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ёки бошқа ташкилотлар билан шартнома-лар тузиш йўли билан **дезинфекция воситалари билан таъминланади;**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

е) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган деҳқон бозорларидан ташқари барча бозорларнинг фаолияти тўхтатилади.

4. Белгилансинки:

Комиссия маскур қарорда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштиради ва зарур ҳолларда қўшимча кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда маскур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ижросини таъминлайди.

5. Коронавирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда республикада коронавирус инфекциясининг тарқалиш даражасини таҳлил қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган шартнома асосида нодавлат тиббиёт ташкилотларида ушбу инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича таклифларни;

бир ой муддатда карантин гуруҳига мансуб бўлган ўта хавфли ва юқумли касалликлар инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) ўтказиладиган профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бир кун муддатда тўловларни амалга оширишнинг масофавий шакллари кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда хоржий

мамлакатларда коронавирус инфекциясига қарши қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан тиббиёт соҳасидаги янги ёндашув ҳамда ихтиролар тўғрисида хар кунлик маълумотни Комиссияга тақдим этиб бурсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигига қарашли санаторий ва бошқа соғломлаштириш масканларида ҳамда давлат тасарруфидаги дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхоналари негизда Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 3 тадан 14 кунлик карантин тадбирлари учун мослаштирилган базалар ташкил этилиши чораларини кўрсин;

карантинда сақланаётган шахсларни бир-бирдан ажратган ҳолда улар ўртасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг максимал олдини олиш имконини берувчи махсус карантин объектлари қурилишини киска муддатларда таъминласин.

10. Комиссияга жорий этилган Тартибнинг амал қилиш даврида қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин: коронавирус инфекцияси аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

биринчи навбатдаги дори воситалари, никоб ва тиббий буюмларнинг (дезинфекция воситалари ва бошқалар) аҳолига қатъий белгиланган нархларда узлуксиз етказиб берилишини назорат қилиш;

республикада коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазиятни мунтазам таҳлил қилиш ва вазият барқарорлашгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тартибнинг амал қилишни тугатиш юзасидан таклиф киритиш.

11. Комиссияга унинг зиммасига юклатилган қўшимча вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган

ишларни текшириш ҳамда назоратни олиб бориш;

алоҳида аҳоли пунктлари ва худудларда карантин тадбирлари ҳамда карантин жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлардан ҳужжатлар талаб қилиш ҳамда уларнинг раҳбарларини коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотларини Комиссия мажлисларида эшитиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан коронавирус инфекцияси авж олишига йўл қўйилганда, уларни эғаллаб турган давримидан озод этиш тўғрисида юқори турувчи ташкилотларга, шунингдек, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўриб чиқиши учун киритиш.

12. Белгилансинки, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тартибнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, истисно тарикасида, божхона чегараси орқали ўтказиладиган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун «яшил» йўлақлар ташкил қилади ва ушбу товарларга нисбатан божхона божлари ундирилмайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материаллар ва субстанциялар учун, истисно тарикасида, тендерлар ёки танлов савдолари ўтказмасдан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри шартнома-

лар тузишга рухсат берилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тартибнинг амал қилиш даврида аҳолининг реал дарамодларини барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишчиларга ойлик иш ҳақлари узлуксиз ва ўз вақтида тўланишини таъминлаб бурсин ҳамда республикадаги бандлик даражасини тушиб кетмаслик бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан биргаликда коронавирус инфекциясини юқирган ёки ушбу инфекцияни юқирганликда гумон қилиниб уй шароитида карантинга жойлаштирилган шахслар томонидан карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан қатъий ва тизимли назорат ўрнатсин ҳамда карантин ўташ даврида ушбу шахсларни биринчи навбатдаги озик-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, никоб ва тиббий буюмлар (дезинфекция воситалари ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Тартибнинг амал қилиш даврида жамоат тартибини сақлаш чораларини кучайтирсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

масъул вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ вазият ҳамда жорий этилган Тартиб тўғрисида тўлиқ ва ҳолисона маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб борилишини таъминласин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

2020 йил 23 март.

Коронавирус муносабати билан белгиланган карантин қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан

МУРОЖААТ

Коронавирус тарқалишини олдини олишнинг энг муҳим шарти карантин қоидаларига қатъий ва истисноларсиз риоя этилишидир.

Шунинг учун, чет элдан қайтиб келадиган ватандошларимиз, фаолиятида чекловлар ўрнатилган ташкилотлар ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва умуман мазкур чекловлар тегишли бўлган барча-барча субъектлар, жисмоний ва мансабдор шахслар давлат томонидан белгиланган карантин қоидалари ва талабларини сўзсиз бажаришлари қатъий сўраймиз.

Амалга ошириладиган кенг қамровли тушунтириш ишлари ва чоралар, жумладан мураккаб шароитда ва тезкор равишда чет элдан қайтиб келадиган кўп сонли ватандошларимиз учун республика ҳудудларида шароитлар қилинганга қарамадан, кеча Самарқанд вилоятида карантинга олинган маскандан иккита фуқаро кочи кетган.

Ўзларининг бу масъулиятсизлик хатти-ҳаракати билан мазкур фуқаролар республикадаги бошқа фуқаролар ва яқинлари ҳаётини хавфга қўйган ва бу билан Ўзбекистон қонунларини кўпол равишда бузган. Ушбу фуқаролар ҳозирда ушланган ва изоляция қилинган. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Шу муносабат билан яна бир марта барча аҳоли қағламларини алоҳида огоҳлантираемиз ҳамда ўз ҳаракатларининг билан нафақат ўзининг балки оила аъзоларининг ва халқимизга зиён етказишининг

мумкинлигини доимо эсда тутишларинингизни сўраймиз.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон қонунчилигида жуда кескин жавобгарлик чоралари қўзда тутилган.

Жиноят кодексига асосан шундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланиши мумкин.

Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш учун фуқаролар жамоат жойларига иложи борича чикмаслиги, ўз ҳаракатларининг кескин чеклашлари ва умуман олганда жамиятда бир-бирлари орасида масофа сақлашлари зарур.

Ҳурматли фуқаролар, барча белгиланган қоида ва чекловларга тартибли равишда амал қилинсагина, тегишли ташкилотлар талаблари қатъий бажарилсагина, бутун дунёда тарқалаётган ушбу вирусга қарши биргалликдаги, ҳамжиҳатликдаги курашимиз самара беради. Барчангизни шунга қақирамиз.

Ўз навбатида, тегишли мутасадди масъул идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари карантин билан боғлиқ талабларга риоя этилишини 24 соат таъминлаб борилишига шахсан жавобгардирлар.

*Ўзбекистон Республикасида
коронавируснинг кириб келиши ва
тарқалишининг олдини олиш
бўйича республика
махсус комиссияси*

ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК билангина пандемияни енгиш мумкин

Коронавирус пандемияси туфайли минглаб одамлар қурбон бўлди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири Италияда 21 март санасида вафот этганлар сони 763 тани ташкил қилмоқда. Жуда катта тезликда тарқалаётган бу инфекцияга қарши мамлакатимизда унинг тезлигидан ҳам жадалроқ чоралар белгиланди. Президент раҳбарлигида кенг кўламли, қатъий чоралар кўрилмоқда. Тегишли комиссия ва штаблар вазиятни 24 соатлик режимда назорат қилишга ўтишган.

Шу кунларда коронавирусга қарши ҳуқуқий-ташқилий чораларни ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилмоқда. 21 март кунни комиссиянинг муурожаати қабул қилинди.

Бу пандемияга қарши муваффақиятли курашган Хитой, Корея, Сингапур, Тайван давлатларининг тажрибасига эътибор берсак, бу мамлакатларда карантин чораларига халқнинг иттиқорлиги муҳим аҳамият касб этганлигининг гувоҳи бўласиз. Кечирасизлару қаерда демократия бўлса ўша ерда кўплаб йўқотишлар бўлмоқда. Пандемияга қарши кураш демократияни эмас, темир тартибни тақозо қилади.


Танишларимдан бири Тошкент вилоятига чиқишда фуқароларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан киритилган чоралар бўйича

тортишаётганлиги ҳолатини ҳикоя қилиб берди. Қанчалик абгор ҳулқ эгаси бўлиш керак карантин талабларини бажаришни талаб қилаётган давлат хизматчисига қаршилик кўрсатиш, ҳақорат қилиш?!

Бугун ички ишлар, соғлиқни сақлаш ходимлари учун ҳар қачонгиданда масъулиятли давр. Тан олишимиз керак, улар қаттиқ ишлашяпти, ўзларининг соғлигидан кўра ҳам эл соғлигини кўпроқ ўйлашмоқда. Айрим ходимлар 24 соатлик иш режимда фаолият кўрсатишяпти.

Тасаввур қилайлик жиноятчиларни қидириб топиш ўрнига карантиндан қочган фуқарони топиб уни карантинга қайтаришни ҳам улар қилишяпти. Бунда карантиндан қочган одам икки қарра жиноятчи эмасми?!

Ҳар қандай урушда бўлганидек фақат



2020 йил 25 март эрталаб соат 9:00 ҳолатига кўра мамлакатимизда коронавирус билан касалланганлар сони 55 нафарни ташкил этди. Ушбу беморларнинг барчаси Вирусология илмий-текшириш институти клиникасида даволаш муолажаларини олмақда. Мазкур институт раҳбарияти маълумотига кўра, 13 нафар беморда ўпка яллиғланиши – пневмония аломатлари кузатиляпти. Беморлардан 4 нафарининг аҳволи оғир деб баҳоланмоқда.

Вирус бир одамдан иккинчи одамга юқиши давом этаркан унинг КАСАЛЛИК ЧАҚИРИШИ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ

Нурмат ОТАБЕКОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи, Республика бош давлат санитария инспектори:

– Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даволаш профилактика муассасаларида, профилактика торияларида, санаторияларида ташкил этилган махсус изоляторларда ҳаммаси бўлиб 20 мингдан кўпроқ фуқаро карантин тадбирларини ўтаяпти. Улар тиббий кузатувга олинган.

Ҳурматли фуқаролар!

Дока никоблардан фойдаланиш, одамлар билан мулоқотда бўлганда масофани ушлаш кераклигини қайта-қайта эслатишимиз. Шунга қарам, дока никобларни тақишга юзак қараш, бу никобларни тақиш қоидаларига риоя қилмаслик, шунчаки бўйнига, оғзига ёки иягига илиб қўйиш ҳолатлари учраяпти. Касалланиш сони ортиб бораётганини кўриб турибсиз. Қачонки вирус бир одамдан иккинчи одамга юқиши давом этаркан унинг касаллик қақириш қобилияти ортиб боради. Касалликни кейин юқтириб олган беморда оғир кечиши, оғир асоратларга олиб келиши мумкинлигини зинҳор ёддан чиқарманг.

2020 йил 25 мартдан бошлаб, дока никобларни, ҳимоя воситаларини тақмаганларга нисбатан жазо қўлланилиши белгилаб қўйилган. Ҳар бирингиз ўз саломатлигиниз, оилангиз, яқинларингиз саломатлиги учун масъул эканлигини, қолаверса республикада эпидемик вазиятни барқарор ушлаш бўйича ҳам ҳар бирингиз масъул эканлигини яна бир бор эслатиб ўтаемиз. Шунинг учун, бу касалликдан ҳеч ким қафолатланган эмас. Ҳар биримиз касалликка чалиниш эҳтимоли борлигини ёдда тутиш ва эҳтиётингизни қилинг.

Ҳақон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра, агар биз карантин тадбирларига риоя қилмасак ҳар биримиз бир ойда 406 кишига касаллик юқтиришимиз мумкин. Шу боис, имкон қадар уйда қолинг, эҳтиёт бўлмасе кўчага чиқманг. Кўчага чиқиш зарурати бўладиган бўлса, эҳтиёт чорангизни қилинг: дока никобларни тақиб чиқинг; уйга қайтган заҳоти фарзандларингиз, оила аъзоларингиз билан кўришишдан олдин кўлингизни яхшилаб ювинг; гигиена воситаларидан фойдаланинг. Энг асосийси, тадбирларни ҳар биримиз масъулият билан бажаришимиз, карантин талабларига риоя қилишимиз керак.



қатъий тартиб-интизом ва ҳамжиҳатлик орқалигина бу вирусга қарши курашда биз ғолиб бўлишимиз мумкин. Ҳар бир фуқаро пандемияга қарши курашда фронт чизиғида эканлигини ҳис қилиши ва ўзини тегишлича тутиши керак.

Виждонсизларча карантиндаги шароитларни бир тарафлама, ҳуқуқ тарзда ёритиб қаҳрамонлик кўрсатадиган пайт эмас ҳозир. Жуда чиройли ёзарсиз, кўп нарсани биларсиз, иқтисодиётимизнинг

ҳақиқий аҳволдан ҳам хабарингиз бордир... Аммо ўзимизга савол берайлик, биз давлатдан кўп нарса талаб қилишга, 3-4 юлдузга меҳмонхона шароитини таъминлаб беришни сўрашга қанчалик ҳақлимиз?!

Кунни кеча карантинга қарши комиссия халққа муурожаат қилди. Унда вазият ва ҳар биримизнинг масъулиятимиз содда қилиб баён этилган. Биз фуқаролар бунга амалий ҳаракатларимиз билан жавоб беришимиз керак.

Шу ўринда бир савол туғилади, жамиятдаги турли қатлам, фуқароларни бирлаштириб турган жамоат бирлашмалари, бошқа фуқаролик жамияти институтлари ҳам ўзларининг сўзларини айтишлари, пандемияга қарши курашда бирдамликларини ёки фикрларини беришлари керакмасми?!

Сиёсий партиялар ўзларини электоратини, жамоат бирлашмалари аъзоларини нимага даъват қилишни яхши билади деб умид қилаемиз.

Яйра МЕЛИЕВА,

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

«Хар бир синовдан яхилик қидириш азалдан халқимизга хос фазилат. Дунёнинг кўплаб мамлакатларини хавотирга солган коронавирус балоси бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Шундай синовли дамларда элнинг қиёфаси, ҳар бир инсоннинг кимлиги яққол билинади. Бундай балони даф этишнинг йўли эса бирлашиш, ҳар ким ўз вазифасини сидқидилдан бажариши жуда муҳим. Шифокорлар: «Биз сизнинг саломатлигингиз учун ишдамыз, сиз уйда қолинг» дея қайта ва қайта халқимизга айтаётган бежиз эмас. Демак, уйда қолиб ҳаммамиз ўзимизни, оиламизни ҳимоя қилайлик. Шу энг катта ёрдамимиз бўлади аслида.

БАЛОГА ҚАРШИ БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ МАНА ШУ

Биз ҳам оила даврасида ўтириб китоб мутулаа қиляпмиз. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Мукаммал саодат йўли» китобини харид қилганимга анча бўлудди, бироқ ўқишга улгурмаган эдим. Фурсатдан фойдаланиб шу ажойиб китоб мутулаасига киришдим. Ҳақиқатда инсониятнинг энг тўғри йўли қандай бўлиши кераклиги, бизни ҳар қандай ёмонликлардан нима асрай олиши теран тахлил этилган.

Шайх ҳазратлари китобда шундай ёзади: «Ислолда иймоннинг қадр-қиммати қанчалик юқори эканини яхши биламиз. Поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилганидан ҳам Ислом дини озодлик, поклик ва тозалikka қанчалар эътибор берганини билиб олас бўлаверади. Бу ўз навбатида биз мусулмонларни динимиз талабига яраша бўлишга чақиради.



Инсон соғлиги учун поклик қанчалар долзарблигини, соғлик эса ўз навбатида инсон бахт-саодати учун қанчалар зарурлигини инсоният энди англаб етмоқда. Аллоҳнинг охири ва мукаммал дини қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб берувчи дини — Исломда покликнинг бундан

ўн тўрт аср илгари ибодат даражасига кўтариллиши, бошқа ибодатларнинг қабул бўлишига покликнинг шарт қилиниши илоҳий мўъжизадан бошқа нарса эмас.» Мана шу жумлаларнинг ўзиёқ дунё аҳли бугун коронавирус балосига ягона тўсиқ сифатида поклик ва тозаликни кўраётгани бежиз эмаслигини ифодалаб турибди.

Оилавий китобхонлигимиз ақл чархи — шахмат билан ҳаммоҳанг ўтмоқда. Китоб ўқишдан танаффус қилганимизда оилавий шахмат мусобақасини давом эттиряпмиз. Мусобақа совринига ҳам албатта китоб қўйилган.

Сиз ҳам оилангиз даврасида қолинг ва китоб ўқинг. Бу вақтдан нафақат унумли фойдаланиш, балки келажагимиз бўлган фарзандлар ҳаёти учун мустаҳкам пойдевордир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

ВАҲИМАНИ ЭЗГУЛИККА АЙЛАНТИРИНГ

«Икки нарса борки, инсонлар унинг қадрига кўлда етавермайдилар. Бу саломатлик ва бўш вақтдир».

Ушбу набавий таълимотнинг нақадар ҳақлигини бугун яна бир бор бошдан кечиряпмиз. Аксар халқимиз саломатлигини кўриш учун жиддий эътиمود кўрсатаётган дамларда кўпчиликда бўш вақт пайдо бўлиб қолаётгани беҳикмат эмас. Айримлар ҳаётидаги ўзига боғлиқ бўлмаган бўш вақтларни нохушлик билан қабул қилишга одатланган. Шу боисдан бундай бўшлиқларни имкон қадар самарали машғулотлар билан безашга мунтазам тарғиб қилиб келинади.

Бўш вақтни қандай ўтказиш борасида олимлар турли тавсиялар беришган. Уларнинг ҳаммаси ҳам тўғри ва фойдали бўлиши мумкин. Шулар орасида энг манфаатлиси, ҳар бир инсоннинг ҳаёти, оиласи, келажаги учун ҳам унумлиси, шубҳасиз, ўз устидада ишлаш, мутулаа қилиш, ўзининг маънавий оламини тадрижий такомиллаштириб боришдир.

Турли қутилмаган ва синовли вазиятларда бизгача яшаб ўтган инсонлар қандай йўл тутишгани, муаммолардан қандай чиқиб кетишгани, ҳаётларини қай йўлида яна олдинги осойишта ўзига солишгани, назаримда, ҳамма учун аҳамиятли бўлса керак. Бу каби муҳим маълумотларни буюк аждоқлар бизга китоб тарикасида қолдириб кетишганини инобатга олсак, китоб ҳар қандай масалага жавоб топишда муносиб очкич бўла олишига иқдор бўламыз. Эҳтимол шу маъноларни назарда тутиб, Абдурахмон Жомий ҳазратлари:

Жаҳонда китобдин яхши ёр бўлмас,
Давр гамхонасида гамхусор бўлмас,
Ёлғизлик кунжсида ундан ҳам нафас
Юз роҳат етару бир озор бўлмас,
дея мулоҳаза билдирганлар.

Бугун техниканинг улкан тараққиёти асрида яшаётганимизга қарамай, бир нарсага иқдор бўлишимиз керак: жаҳон китоб хазиналарида сақланаётган китобларнинг жуда кам қисминга электрон шаклга ўтказилган. Улардан омманинг фойдаланиш имконияти ҳам моддий китобдан фойдаланишга қиёсалаб бўлмайдиган даражада фарқлидир.

Яна бир нозик жиҳат: «фурсат — оз, давр — тез, ҳар лаҳза зикр» дейилганидай бошдан дўппини олиб қўйиб бафуржа китоб ўқиш учун ҳаммиз вақтимиз тигизлик қилишдан кўп нолинамиз. Иш, ўқиш, оила, қундалик ташвишлар баъзан китоб ўқиш учун асраган вақтимизни ўғирлаб қўяётгандек бўлади. Шундай кезларда, «қанийди, имконим бўлсаю, уйдан чиқмасдан бемалол китоб ўқисам», деб орзулар қилардик.

...Бугун эса, ўзимиз билиб-билмай соғинган тилакларимиз инъикосини кўриб турибмиз...

Фурсат — олтин.

Қайсидир йили қаердадир зилзила оқибатида аҳолини вақтинчалик қочир-бошпаналарга кўчиришганини кўрсатишган эди. Кўпчилик саросимага тушиб, жой қайғуси муҳим бўлиб турган бир пайдада бир бола чеккада мук тушиб китоб ўқиётган эди. Бу воқеадан кўпчилик таъсирланди. Боланинг ҳолатидан хайратга тушди. Ўшандан кейин кўп ўтмай, ҳамма нарса ўз изига тушиб кетди. Саросима ва ваҳима тугаб, ҳамма олдинги осойишта ҳаётига қайтди. Балки кимлардир беҳуда тахликага тушиб, ўзида хасталик ҳам топиб олгандир. Лекин ҳар қандай ҳолатда китобини қўлидан қўймаган ўша бола, шаксиз, фойда қилди. Бундай фойда эҳтимол қуни келиб инсониятга татийдиган эзгуликка айланиши мумкин.

Ҳар ҳолда, мен шунга ишонаман.
Сиз-чи?

Қамолддин ШАМС

Эрнинг рухсатисиз ЭҲСОН ҚИЛИШ

Савол: «Аёл эрнинг рухсатисиз унинг молидан ўз қариндошларига берса, гуноҳкор бўлмайдими?»



Жавоб: Аёл киши эрнинг молидан унинг изнисиз садақа қилиш жоиз эмас.

Абу Ҳурайра (розияллоху анҳу)дан: «Аёл эрнинг уйдаги нарсалардан садақа қиладими?» деб сўрашди. У киши шундай деди: «Йўқ, фақат (эри олиб келган) озик-овқатидан садақа қилса майли. Савоби ўрталарида бўлади. У эрнинг молидан унинг изнисиз садақа қилиши ҳалол эмас» (Абу Довуд ривояти).

Аммо, баъзи бир арзимас нарсаларни эрнинг изнисиз инфок-эҳсон қилишга рухсат берилади. Масалан, кўчадан тиланчи келиб қолса ёки эри умумий тарзда садақа қилишга рухсат бериб қўйган бўлса, хотиннинг эридан сўроқсиз эҳсон қилиши жоиздир.

Ўғил ва қизнинг маскани

Савол: «Ўғил ва қиз фарзандларнинг неча ёшдан бошлаб хоналарини алоҳида-алоҳида қилиш керак?»

Жавоб: Болалар ётоқ жойини алоҳида қилиш масаласи ислом динида жиддий эътибор қилинадиган масала ҳисобланади.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Ҳадис ва Ҳаёт» китобида бу қуйидагилар келтирилган:

«Сабра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бола етти ёшга етганда уни намозга буюринглар. Ўн ёшга етса, унинг учун уринглар», дедилар.

Бошқа ривоятда:

«Ётар жойларини ажратинглар», деб зиёда қилинган.

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда ёш болаларни исломий тарбия қилишда муҳим ўрин тутган баъзи нарсалар хусусида сўз бормоқда:

Ўн ёшга етган болаларнинг ётар жойларини бошқа қилиб қўйиш.

Чунки мана шу даврда уларда жинсий томондан уйғониш бошланади. Алоҳида ётамасалар, беодобликка ўрганиб қолишлари мумкин.

Валлоху аълам!»

Тошкент ислом
институтини мударриси
Маъмуржон ЭРКАЕВ тайёрлади.



ЙЎҚОТИШ САБОҒИ



Сабоқ берган устозлар ҳақида ёзиш қийин экан. Тириклигида «Ҳали кўп яшайдилар» деб ўйлайсан, ўтгандан кейин армон қиласан. «Нега шу гапларимни тириклигида ёзмадим», дея афсусланасан. Кун кундан «ер устида танишларинг» камайиб, «ер остида дўстларинг» (Абдулла Орипов) кўпаяётганини ҳис эта борасан. Шунда ҳаёт сабоғи бир ибрат, ўлим сабоғи ҳақ эканига амин бўласан.

Каримов, Муҳаммаднодир Саидов, Анвар Ҳожнаҳмедов, Озод Шарафиддинов каби устозлари ҳурматини хаддан ортиқ баланд мақомда тутар эди. «Мен уларнинг олдида ҳеч ким эмасман. Мен уларнинг бир хизматкори эдим», деган сўзларини бир неча бор эшитганман. Инсон ўзгаларга баҳо беришга уста бўлади. Бирок ўзига баҳо беришда нўнок шогирдга айланиб қолади. Ўзини яхши кўришини сездириб қўяди. Омонулла аканинг эса ўзига баҳо беришда ҳам усталиги кўришиб турарди.

Навобийга бағишланган бир йиғинда Омонулла аканинг: «Беғалилар (*профессор Беғали Қосимов*) Навобий ҳазрат дунёсига кириб бўлган. Бизлар эса бор-йўғи унинг эшигини таққиллата олдик», деган сўзларига гувоҳ бўлганман. Ҳолбуки, Омонулла ака Навобий газаллари, дostonларидан юзлаб байтларни ёд билар, нозик тахлил қилар, энг муҳими, эшиттувчиларга юктира олар эди. Ўзбек фольклори, дostonчилик анъаналари, аския, латифа, эртақларнинг халқона моҳиятини чуқур биларди. Ҳаракатдаги жараёни теран хис қиларди. Жонлангириб етказа олар эди. Фольклор жанрлари ҳақида назарий билимлари ниҳоятда

ўнлаб, юзлаб талабалар, ўқувчилар орасидан талантилиларини топар, топиш билан чекланиб қолмай, уларни ёнига олиш ва тўғри йўналтиришни ҳам болларди. Шунинг учун бўлса керак, Омонулла муаллимнинг атрофи доимо истёвдодли ёшлар билан гавжум эди.

Ўзбек филологияси, журналистика факультетларини битирган бирор талаба йўқки Омонулла Мадаевни «ўз устозим» деб билмасин.

Омонулла ака билан бир неча бор совчилик, уйлантириш «тадбирлар»ларида ҳам қатнашганмиз. Бир талаба кимидир яхши кўради-ю қиз томон тихирлик қилади, бировининг ота-онаси севган қизига уйланишига қарши, кимдир ота-онаси олиб бераман деган кизни олмоқчи эмас, бошқа биттаси муносиб, эл кўрган совчи тополмай гаранг... Тўрт томонга мансуб талабалар ҳам ота-онаси, туғишганларига айта олмаган сирини устозига айтади. Ундан маслаҳат, ёрдам сўрайди. Бу борада Омонулла аканинг сира ҳам боши «галва»дан чиқмасди. У катталар билан

фикрини сўради. Шеър парчасини хар ким ўзича тахлил қилди. Адашмасам, бу парча «Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема...» деб бошланар эди. Хуллас, мен ҳам кўп қатори бир нималар дедим. Дарс охирида Омон ака мени қўли билан кўрсатиб: «Сан болам, мен билан юр», деди. Юрагим «шув» этди. Нотўғрироқ гап атиб қўйдимми, деб ўйладим. Домла билан изма-из кафедрасига кўтарилдим. Кишлоқдан келган содда бир боламан. Кафедра нима, фан номзоди нима, диссертация нима билмайман. «Фикрлашинг менга ёқди. Сен диссертация ёз. Мавзу ол», деди. Ҳурмат-иззат билан чойлар куйиб берди. Кўнглим бир фалати бўлиб кетди. Чунки Тошкентдек улкан шаҳарга келиб, қурилишда ишлаб, ётоқхонада яшаб, биринчи бор бундай эътибор, ҳурмат ва илик муносабатни кўришим эди. Шу-шу домлага бўлган меҳр юрагимга муҳланди.

Иккинчи гап. «Адабиёт ўқитиш методикаси» фанидан Омонулла ака сценарий ёзишни топширди. Мавзу Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» хикояси. Ҳамма аудиториянинг ўзида ҳўкизи уриб кетилган ховли тасвирини сценарий қилиш керак. Ҳали ҳўкиз ўғирланганидан Қобил бобо ҳам, кампири ҳам хабаренг. Сценарий финиши молхонага борган кампирнинг ҳўкиз йўқолганини билиб қолиши... Ҳамма дафтарига ёзаяпти. Омон ака ёзганларимизни зимдан кўриб келяпти. Менинг тўғримга келганида «Во, анноний сандан!» деди бор овозда. Ҳамма курсдошлар мен томонга бурилиб қаради. «Қаранг! Титр ортидан «Эшакнинг чўзик ханграши эшитилди», деб ёзибди. Бу хикояда йўқ. Аммо асар руҳига зўр тушибди», дея изохлади домла ўз мактовини. Семестр охирида эса мени «автомат беш» билан мукофотлади.

Балки Омонулла ака ва бошқа устозларнинг мана шундай самимий рағбатлари сабаб илмга, ўқитувчиликка кизикқандирман, деб ўйлайман баъзан.

Бундан уч-тўрт йилча олдин докторлик ишим учун «Қутадғу билиг» асари кераклигини, ҳеч жойдан тополмаётганимни гапириб ўтирганим устига Омонулла ака келиб қолди. «Манда бор, – деди сўрамасимдан туриб, – эртага олиб келаман». Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни Каюм Каримов домла тайёрлаган ноёб напирни келтириб кўлимга тутказди. Икки-уч ой ўтиб, китобни қайтармоқчи бўлдим. «Шу китоб сизга, – деди домла, – «Омонулла акадан эсдалик» деб ёзиб қўйинг». Шу дастхат санаси билан ёзилган китоб ҳозир кутубхонамда турибди. Ундан кўп фойдаланаман. Ҳар варақлаганда Омонулла аканинг шу гапларини эслайман.

Ушбу хотира қоғозини қоралар эканман, домланинг «Омонулла акадан эсдалик», деб ёзиб қўйинг» деган сўзлари яна бир бор хаёлимда жонланди. Тириклигида ҳаёт сабоғини берган устознинг, ўлимидан сўнг ҳам улкан бир сабоқ бераётганига иймон келтирдим. Бу йўқотиш сабоғи эди...

Сиздан Оллоҳ рози бўлсин, жойингизни равза жаннатдан қилсин, Домла!

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



кенг эди. Буларнинг барчаси домланинг илмий тадқиқотлари, дарслик ва рисоалари мисолида кўз ўнгимизда турибди.

Омонулла ака олий таълим билан ўрта таълим методика илмини синтезлай олган ноёб педагоглардан эди. Негаки, одатда ўрта таълимни яхши билганлар олий таълимдан, олий таълим усталари ўрта таълим сирларидан узоқ бўлишди. Омонулла Мадаев эса хар икки соҳанинг амалий жиҳатларини ўз тажрибасидан ўтказган, назарий жиҳатларини ҳам чуқур билар эди.

Омонулла Мадаевда «бўладиган» талабаларни «таниш» истёвдоди ўта кучли эди.

катта, кичиклар билан кичик бўлиб гаплаша оларди. Ҳар икки томонни муросага келтира биларди. Бир неча бор шундай савобли тадбирларга мени ҳам жалб қилган.

Омонулла аканинг шахсан ўзимга қилган яхшиликлари ҳақида бир-икки сўз.

Ўтган асрнинг 80-йиллари. ТошДУ (*ҳозирги ЎЗМУ*) ўзбек филологияси факультетининг кечки бўлими биринчи курсида ўқиймиз. Курсимиз жуда катта. Юздан ошиқ талаба бир аудиторияда ўтирамиз. Омонулла ака «Халқ озгаки ижодиёти» фанидан маъруза ўқийди. Бир куни домла «Алломиш» эпосидан фалсафий-лирик пафосга йўғрилган бир парчани ўқиди. Ўтирганлардан

Ўйлаб кўрсам, қанчадан қанча муаллимларимиз ўтиб кетишибди. Шариф Юсупов, Беғали Қосимов, Баҳодир Саримсоков, Абдуғафур Расулов, Муҳсин Олимов... Биз Омонулла акани мана шу авлод қаторида кўрганмиз, таниганмиз, сабоқларини олганмиз.

Омонулла акани илк бор учратганимга ўттиз йилдан ошибди. Шунча йил домла билан илмий доираларда ҳамкорлик қилдик, ёнма-ён аудиторияларда дарс бердик, тўй-маъракаларда қатнашдик. Ва менинг домладан олган унутилмас сабоғим ўзбекчилик бўлди. Домла ўзбекчиликнинг пири эди. Бизга тўй-маъракага бориш одобидан бошлаб, юриш-туриш, хайр-хўш одобига шу инсон ибрат бўлганлар десам, рост сўзини айтган бўлман.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Баҳодир Саримсоков домлани қабрга қўйиб жимгина тарқалаётган издиҳомни бир ўктам овоз жойида таққа тўхтатиб қўйди: «Ой халойик! Баҳодир ака қандай одам эдилар?!» Бу сўровда Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатлари адоси ҳам, ўзбекчилик ҳам, армон ва йиғи оҳанги ҳам бор эди. Бир куни Омонулла ака билан шу ҳақда суҳбатлашиб қолдик. Мен кейинги пайтларда майит қабри устида айтилиши суннат бўлган шу сўзлар айтилмаётгани, одамлар қабристонни мум тишлаганча тарқ этаётганлари ҳақида гапирдим (*Ҳолбуки, одамларнинг тарқалишини кутиб турган фаршталар шу сўроққа берилган жавобни гувоҳлик деб қабул қилишар экан*). «Айтишмаётган бўлса, сиз айтинг, – дедилар Омон ака, – энди ёш эмассиз». «Афсус» сўзи ўринлими, йўқми билмадим-у, шу насиҳатларини ўз жанозаларида эсладим. Бор овозда жанозага келган издиҳом ичига шу саволни тапшладим. Аммо овозим Омонулла аканикидек чиқмади. Томоғимга бир нима тикилиб, бўғилиб қолдим. Ўзбекчиликнинг бир пирини йўқотганимизданми ё «ер остида дўстларим» кўпайиб бораётганиданми, ўзимни ғариб, ёлғиз сездим.

Омонулла аканинг яна бир фазилати халқимизга хос чапанлиги эди. Бундай чапанлик Омонулла аканинг муаллимлиги, зиёлиги, олимлигига сира ҳам соя солмасди. Бу халқона, беозор, самимий чапанлик бўлиб, бошини букиб, «ичимдагини топ» деб турадиган, совуқда панаси, иссиқда сояси тегмайди-ганлар олдида, айниқса, бўрттиб кўринарди. Холис кузатган одам «Ҳақиқий ўғил бола шунақа бўлади», дер эди.

Бу жиҳат унинг атрофдагиларга муносабатида, ўз-ўзига баҳо беришида яққол кўринарди. Омонулла ака Гулом

ТАБИАТНИНГ НОЁБ НЕЪМАТИ

Бола дунёга келган кунидан тўғри овқатлантириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бунда она сутига тенг келадиган неъмат йўқ. Бугун бутун дунёда гўдакларни аввало она сутини билан озиқлантириш кенг тарғиб этиляпти.



Хўш, гўдакни она сутини билан озиқлантиришнинг аҳамияти нимада? Болани тез кўкракдан айирини қандай оқибатларга олиб келади? Шу каби саволлар билан республикамизнинг таниқли физиолог олими, биология фанлари доктори, профессор Шониёз ҚУРБОНОВга мувожабат қилдик.

– Она сутини ўз таркиби, шифобахшлиги, экологик тозаллиги жиҳатдан бошқа моддалари билан алмаштириб бўлмайдиган даражадаги ноёб озуқади, – дейди олим Шониёз Қурбонов. – Она сутини таркибида ёш организмнинг ўсиб улгайиши учун зарур, осон ҳазм бўладиган озиқ моддалар (*оқсиллар, ёғлар, карбон сувлар*) биологик фаол моддалар, ферментлар ва минерал моддалар мавжуд. Бу сут таркибидаги оқсиллар, ёғлар жуда тез ҳазм бўлади, боланинг ичак микрофлорасини яхшилайди. Шунинг учун она сутидан баҳраманд бўлган бола организми яхши ўсади, жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол бўлади.

– Она сутининг витаминларга бой ва осон ҳазм бўлишига қарамай, эмизикли болаларнинг касалликларга чалиниш ҳоллари ҳам учраб туради...

– Аслида она сутига турли вируслар ва микробларга қарши курашадиган моддалар бор. Айниқса, оғиз сутига қўйинган бола организми яхши ривожланади. Ташқи таъсирларга чидамли бўлади. Она сутига лизоцим моддаси боланинг организмидоги микробларни

ўлдириб, фойдали микробларни химоя қилади. Бундан ташқари, она сутига турли касалликлардан муҳофаза қилиб турадиган моддалар анчагина. Шунга қарамай, бола баъзан хароратнинг кўтарилиши, оч қолиш, тўйиб овқатланмаслик, онанинг овқатланиш режимига риоя қилмаслиги ва бошқа сабаблар туфайли касалликка чалиниши мумкин. Баъзан сутдаги шаккар молекулалари ҳазм бўлмаслиги оқибатида боланинг ичи кетиб, ёш организм ўсишдан тўхтади ва озиб кетади. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун онанинг ўзи овқатланиш режимига жиддий риоя қилиши ва болани ҳам вақтида эмизиши зарур.



– Болаларда учрайдиган баъзи хасталикларни нега она ҳомиладорлиги даври билан боғлайдилар?

– Она ҳомиладорлик пайтида истеъмол қиладиган овқатда сурункали ҳолда оқсил тақчиллиги кузатилса, улардан туғилган болаларнинг ошқозон-ичак тизимида ҳам асосий озиқ моддалар, жумладан, сутнинг ҳазм бўлиши заифлашади. Шунинг учун она ҳомиладорлик вақтида овқатланишга ва бошқа тартибларга амал қилиши, асабийлашмаслиги шарт.



– Сигир сутини она сутининг ўрнини боса олмайди, дейишади. Уларнинг фарқи нимада?

– Она сутини оқсилларнинг таркиби жиҳатдан сигир сутидан фарқ қилади. Она сутига оқсиллар (*альбумин билан глобулин*) умумий оқсил миқдорининг 69,7 фоизини ташкил этса, сигир сутига бу 22 фоизни ташкил этади. Она сутини таркибида липаза ферменти сигир сутиникидан 15-20 баробар фаолроқдир. Шунингдек, темир миқдори



сигир сутидан 2-3 баробар, шаккар миқдори эса 2 баробар кўп.

Она сутигаги кислоталар озиқ моддаларни синдиришда ва бола организмни касалликларга қаршилигини кучайтиришда муҳимдир. Аммо ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи оналарнинг сутини етишмайди. Натيجада бола сунъий овқатлантирилади. Бу эса боланинг ўсиши учун ўта салбий таъсир кўрсатади. Бола кўп касалланади, нимжон бўлиб, уларда сутга нисбатан аллергия касаллиги кўзгалади. Бундай болаларнинг баҳоғатга етиш даврида ҳам сунъий овқатланганининг таъсири сезилиб туради. Демак, она сутини табиат инъом этган бекиёс, мўъжизакор неъмат ҳисобланади. Шундай экан, бу ноёб озуқадан гўдакларимиз баҳраманд бўлиб ўсишига алоҳида эътибор беришимиз шарт.

Содиқ МЎМИНОВ
сўхбатлашди.

КЎК ВА ҚОРА ЧОЙ

сизнингча, қай бири афзал?



Чой... чойхона... чойлашайлик... Бу сўзлар ўзида ўзбек миллатига мансуб анъаналарни намояндалар. Меҳмон келса чой узатамиз, овқатлангандан кейин чой ичишни қанда қилмаймиз, совчилар қизнинг уйига боришса, унинг чой узатишига қараб баҳо беришади ва ҳоказо. Қисқаси, биз учун сувдан кейин турайдиган ичимлик бу – чой. Шундай экан, чойга оид баъзи маълумотларни билиб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди.



Кўпчилики қизиқтирадиган савол:

«Қора чой фойдалими ёки кўк чой?!»

Илмий текширувлардан шу нарса маълумки, қора чой тайёрланиш вақтида унинг фойдалилик хусусияти икки марта қисқаради. Бироқ бу – қора чой ичиш фойдасиз дегани эмас. Вазиятга қараб, кўк ва қора чой бир-бирини тўлдирувчи дамламалар сифатида қўлланилади. Диетологлар тушлик вақтигача қора чой ичишни, тушликдан кейин кўк чойни тавсия этишади. Тушликкача организм тетик ҳолатда сақланади, кечаси эса органларимиз токсинлардан тозаланиши зарур.

Кўк ва қора чойлардаги эфир моддаларнинг вақт ўтган сайин таркибининг ўзгариши, чойларнинг қайси вақтда ичилишини ҳамда таъсирини белгилаб беради:

- Чойни дамлагандан 2 дақиқа ичиди ичиш, одамни тинчлантиради;
- 5 дақиқа ораллида ичиш, иш қобилияти тикланишини таъминлайди;
- Ундан кейинги вақтларда чойни истеъмол қилиш, асосан, чанқокни қолдиради.

Қора чойнинг фойдали хусусиятлари:

- Илмий тадқиқот хулосаларига кўра, қора чой таркибидаги полифеноллар оғиз бўшлиғи касалликлари, тошма ва стоматит яраларидан химоя қилади.
- Европалик олимлар кун давомида 3-4 пиёла чой ичадиганларда юрак хасталикларининг юзага келиш хавфи 21 фоизга камайишини исботлашган. Тўғри, қора чойни аччиқ дамлаб ичиш тавсия

этилмайди. Аммо меъёрида бўлса, хавотирга ўрин йўқ.

- Қора чойдаги полифенол ҳамда катехин антиоксидантлари саратоннинг айрим турлари учун профилактика вазифини ўтайди. Европалик олимлар тадқиқоти хулосаси қора чой истеъмол қиладиган аёлларда бачадон саратонининг юзага келиш хавфи бошқаларга нисбатан камроқ эканлигини кўрсатган.

Кўк чойнинг фойдали хусусиятлари:

- Ферментация қилинмагани учун кўк чойнинг фойдали хусусиятлари кўпроқ: А, В, В₁, В₂, В₁₂, К, П дармондорилари, фтор, калий, мис, рух, синк каби моддаларга бой (*уларнинг тури 300дан ошадиган*);
- Таркибидаги антиоксидантлар эрта қаришдан асрайди. Таркибидаги кофеин моддаси тетиклантиради;
- Танадаги захарли моддаларни

чиқариб юборади, онкологик хасталиклар хавфини пасайтиради, қалқонсимон без фаолиятини барқарорлаштиради;

- Кўк чой тишлар учун ҳам фойдали, вирусларга қарши курашувчи ҳисобланади;
- Чой билан юзадаги ёғлар ювиб ташланса, ёқимсиз ялтирокликдан халос бўлиш мумкин.

МАЪЛУМОТ

«Чой танани тозалаб, руҳни мустаҳкамлайди, юракни юмшатиб, фикрларни уйғотади, танбалликни ҳайдайди».

(Абу Али ибн Сино)

Чой ҳақида ёлғон фактлар:

1. «Сут чойнинг ҳамма фойдали хусусиятларини ўқотади».

Яқинда ўтказилган тадқиқотлар бу назариянинг ёлғонлигини фош қилди. Олинган натижаларга кўра, катехинлар (*саратоннинг баъзи турларининг хавфини камайитириш билан боғлиқ антиоксидантлар*) сутли чойдан ҳам, сутсиз чойдан ҳам бир хил миқдорда синдирилади.

2. «Кўк чойдан кўра қора чойда кофеин кўпроқ».

Чойнинг ҳамма турлари таркибида кофеин мавжуд. Чойдаги кофеин миқдори кўпгина омиларга боғлиқ: чой қандай ўстирилган, йиғиб олинган, баргларнинг катталиги қандай ва уларга қандай ишлов берилган. Тадқиқотлар чойнинг ранги кофеин миқдорига таъсир кўрсатмаслигини исботлади.

3. «Кўк чой озишга ёрдам беради».

Ҳа, кўк чой бошқа чойлар каби фойдали хусусиятларга эга, лекин рекламалар бизни қанчалик ишонтиришга уринмасин, уни ортиқча вазнга қарши «мўъжизавий восита» деб айтиб бўлмайди. Бундан ташқари, кам овқатланишда кўк чойни истеъмол қилиш нафақат вазнини йўқотишга, балки меъданинг бузилишига ҳам олиб келади.

Баҳор таомлари

Баҳор фаслидаги илик узилди пайтида кўкатли таомлар танага дармон, руҳимизга тетиклик бағишлайди. Эрта баҳорда кўкатлар солинган қатиқ салатлар, сумалак ва ҳалимлар қишдан толиқиб чиққан организм учун жуда фойдали. Келин-қизларимиз томонидан тайёрланган қатлама, чучвара, сомса, варақиларга асосан кўклар солинади. Ялпиз, жағ-жағ, исмалоқ, беда, отқулоқ, матор сингари кўкатларимиз витаминларга бойлиги сабаб киши танасига қувват бағишлайди.



Ширчай

Ширчай шарк халқларининг анъанага айланган сеvimли нонуштаси. Фақат ширчай хар бир ҳудудда турлича тайёрлашади.

Қайнаган сувга қора чой солиб озрок қайнатилади.

Сут, туз яна қайнаган сув кўшилади. Таъбга қараб сариеғ солинади. Нон бўлақларини ҳам кўшса бўлади. Фарғона томонларда нон бўлақлари тўғралиб устига қаймоқ, туз солиб қайнаган сув солинади. Хуллас ширчайга сут, туз, сариеғ қайнаган сув ҳамда қуруқ чой ишлатилади.



Қатлама

Ўзбек дастурхонини қатламасиз тасаввур қилиш қийин. Аввало хамир қорилиб ёйилади. Сариеғ ёки қаймоқ суртилади. Пиёз кўкатлар тўғралади. Хамир яна ўралиб, бошқатдан ёйилади. Қатлама пиширадиган қозонда орқа ва олд томонларига ёғ солиб қизартириб пишириб олинади. Қатламага кўкат солмасдан ҳам пишириш мумкин. Устига шакар сениб берилса, болажонлар учун мазали бўлади.

Хилола ИБРОҲИМОВА

Нонушта: нон ва қаймоқ

Анъанага айланган нонушта бу янги тандирдан узилган исиккина нон ва сутдан ажратиб олинган янги қаймоқ. Айниқса ёш болалар ва бувижонларни сеvimли нонуптаси.

Мастава

Ўзбек халқининг сеvimли суюқ таоми. Уни хоҳлаган пайтингиз эргалабга, тушликка, кечки овқатга ҳам тайёрласа бўлади. Водийда кўпроқ

эргалаб тайёрлашади. Олдин масалликларни тайёрлаб оламиз. Гўштни майдалаб чопамиз қийма бўлса янада яхши. Пиёз, сабзи қартошка майда кубик қилиб тўғралади.

Қозонда ёғни қиздириб масалликларни бирин-кетин

соламиз. Помидор ёки тоmat солинади. Қизартиргач, сув қуйамиз. Қайнаб чикқач, гурч соламиз. Пишишига яқин зирворлар солинади. Мастава сузилгач, ёғни албатта қатиқ, райхон кўкатлар, мурч қўйилади.



СПИРТ ВИРУСНИ ЎЛДИРАДИМИ?

АОКА хузуридаги штабда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори Баҳром Алматов онлайн брифингда мамлакатимизда коронавирус билан ҳолат юзасидан саволларга жавоб берди.

– Қасалланган беморлар ичида хорижда бўлиб қайтмаган, чет элда бўлиб қайтган шахслар билан контактда бўлмаган ҳолатда вирусни юктириб олган шахслар борми?

– Афсуски, бор. 20 ёшли қизда шундай ҳолат аниқланган. У хорижга чиқмаган, беморлар билан контактда бўлмаган. Бирок у ўзи хоҳлаган ва хоҳламаган, билиб-билмаган тарзда жамоат транспортида, иш жараёнида умумий фойдаланадиган буюмлардан фойдаланган бўлиши ва шу орқали касалликни юктириб олган бўлиши мумкин.

Беморнинг оиласидагиларни ҳам текширувдан ўтказдик, улар соғлом. Бу ҳолат ҳаммамизни хушёрликка чақиради.

– Ижтимоий тармоқларда коронавирус 10 ёшдан кичик болаларга юкмайди, деган хабарлар тарқалмоқда. Бу қанчалик тўғри?

– Касаллик қайд этилган давлатларда ўтказилган таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, 10 ёшгача бўлган болаларда



касаллик жуда енгил ўтади, тез тuzалади. Жами касалланганларнинг атиги 0,9 фоизи 10 ёшгача бўлган болаларда қайд этилган ва уларда қисқа вақт ичида соғайиш кузатишган. Демак, бу болалар иммунитетининг юқорилиги билан баҳоланади.

– 70 фоизли спирт вирусни ўлдирадимиз?

– Спиртли воситалар, спиртли геллар, спиртнинг ўзи ҳам коронавирусни ўлдиради. Ҳозирда дезинфекцияловчи турли воситалар ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг аксарияти таркибида спирт мавжуд. Спиртнинг вирусларни ўлдириш хусусияти бор.

– Вирус водопровод сувидан юқиши мумкинми?

– Коронавируснинг водопровод сувидан юқиш ҳолатлари ҳали аниқланмаган. Чунки водопровод сувидан юқиши учун ана шу сув қувурлар тизимининг манбасига вирус тушган бўлиши керак.

Жамоат жойларига ниқобсиз чиқманг!



2020 йил 25 мартдан бошлаб Тошкент шаҳри, Нукус ва вилоят марказларидаги жамоат жойларига ниқобсиз чиққан ҳолат қайд этилса – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорда, мазкур ҳолат яна қайтариладиган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баробари миқдорда жарима қўлланилади.

ИНТЕЛЛЕКТ

Папка кўтарган кишилар кимлар?

Қадимги Юнонистонда папка кўтарган кишиларни бир ном билан аташганки, биз уларни бошқача ном билан атаймиз.

Савол: юнон тилида папка кўтарган кишилар бизда нима деб аталади?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 12 март 4-сонидан берилган саволнинг жавоби: *Ғарб томондан келган сотувчиларга келаётганларида ҳам, кетаётганларида ҳам кўзларига кўйи тушиб туришини ҳисобга олиб, улардан кам ҳақ олинган.*

«Гулистон» журнали жамоаси таҳририят фотомухбири **Рисқитилла НУРИНБОЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақисмида чоп этилди.
Босмақисми манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош мухаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Бўғиртма: Г-337
ISSN 2181-6190 Оубна индекси – 193
Адаби: 2 000 нуска
Нархи: келтириш асосида.
Қўғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тештирилди: 22:00

